КПСС XXV СЪЕЗДИНИ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ИИЛ ЧИҚИШИ.

№ 77 (5426).

18 АПРЕЛЬ ЖУМА

1975 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ СИНАЛГАН АВАНГАРДИ – СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ!

ЯШАСИН ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1-Май Чақириқларидан).

ПАРТИЯ РАҲНАМОЛИГИДА

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари тарихий тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун қизғин кураш олиб бораётган ҳозирги долзарб кунларда КПСС Марказий Комитети Пленумининг партиямизнинг навбатдаги XXV съездини чақириш тўғрисидаги қарори барча меҳнат аҳлини янги ғалабалар сари руҳлантириб юборди. Мамлакатимиз коммунистларининг бу улкан анжуманлари Ватанимиз иқтисодий қудратини оширириш, халқларимиз турмуш даражасини янада фаровонлаштиришнинг конкрет программаларини белгилаб бераётир.

КПСС XXIV съезди бўлиб ўтгандан буён Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан, барча демократик ва тинчликсевар кучлар билан биргаликда халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлида актив фаолият кўрсатиб, халқаро можароларни одилона ва тинч бартараф этиш учун зарур объектив шарт-шароитларни вужудга келтиришда муҳим ютуқларга эришди. Бу Тинчлик программасининг нақадар тўғри эканлигини тўла исботловчи фактордир.

Биз ишчилар синфи қатъий ишонамизки, КПССнинг навбатдаги XXV съезди жонажон Ватанимизнинг янада гуллаб яшнаши учун порлоқ истиқбол йўлларини очиб беради.

А. ҚОДИРОВ,
Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси коллективи КПСС XXV съездини чақириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленуми қабул қилган қарорни зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Ҳозир цехларда ишчилар Пленум қарорларини атрофлича ўрганиб бор куч ва имкониятларини КПССнинг бўлажак XXV съездини меҳнатда улкан муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга сафарбар этмоқдалар.

Суратда: фабрика партия ташкилотининг секретари Маҳкам Шоусмонов ишчиларни КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорлари билан таништирмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленуми қарорлари барча совет кишилари қалбини беиҳоя тўлқинлантириб юборди. КПСС XXIV съезди томонидан ишлаб чиқилган Тинчлик программаси ер юзида катта ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда: халқаро вазият соғломлашиб бораётир, уруш ўчоқлари тугатилаётир. Ленинча ташқи сиёсатимиз тинчлик ишига, халқларнинг агрессия ва империализмга қарши кураши манфаатларига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда.

Биз партия XXV съезди чақирилиши ҳамда «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида» партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми қарорини мамнунлик билан кутиб олдик.

Э. ҲАЙИТБОЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари.

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

ҲАММА ЕРДА ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛАЙЛИК

Тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йили иккинчи кварталы ўтмоқда. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида биринчи кварталда эришилган дастлабки муваффақиятлар, айрим камчиликлар ҳар бир район, колхоз ва совхоз раҳбарларининг эътиборида бўлиши, ютуқлар мустаҳкамланиши, камчиликлар тугатилиши ва қайтарилмаслиги тадбирлари кўрилиши зарур.

Пахтакорлар ҳозирги пайтда айниқса масъулиятли даврда турибдилар. Бу йил кўклам бирмунча қуруқ келди. Бунинг устига дастлабки пайтларда ҳаво яхши исиб кетмади. Чигитни тез экиб олиш учун қулай шароит яратилган бўлса ҳам, аммо табиий нам билан униб чиқиши учун шароит йўқ. Агар шу соҳада шошилинч равишда тегишли чоралар кўрилмаса, чигитнинг барвақт экиб олинганлиги унча яхши натижа бермаслиги мумкин.

Баъзи хўжаликларда чигит экишдан олдин ерларни суғориш ишлари вақтида амалга оширилди. Бу соҳада Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Бекобод районидаги Ленин номли, Пискент районидаги «Гулистон» ва шулар каби қатор колхозлар, совхозларда хокоб берилиши бугунги кунда чигитнинг ер намига униб чиқишига шароит яратмоқда.

Аммо, областимиз хўжаликларидаги катта майдонларда чигитни ернинг намига ундириб олиш имконияти йўқ, тупроқ қуриб бормоқда, иссиқлик эса одатдаги йилларга нисбатан икки-уч даража юқори бўлмоқда. Бунинг натижасида дастлабки кунларда экилган чигитнинг униб чиқиш муддати чўзилиб кетмоқда ва у сийрак унаётир. Шу сабабли ана шундай майдонлар мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар томонидан тезда аниқланиши ва чигит суви беришга тайёрланиши, чигит сувини оқилона иш юритган ҳолда бериш зарур.

Чигит суви беришда бу йил одатдаги йилларга нисбатан бирмунча бошқача иш олиб бориш талаб этилади. Чигит суви берилганда тупроқнинг ҳаддан ташқари захлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Қаторларнинг сеялка ғилдираклари ўтган чизигигача нам етса, кифоя. Бунинг учун ўқариқлар оралиги ер шароитига қараб қисқартирилиши зарур. Агар ўқариқлар ораси узоқ бўлиб, сув кам таралса, пайкалнинг юқори қисмини сув эзиб қўйиб, пастки қисми намланмай қолади. Шунинг учун чигит суви беришда тажрибали сувчилар иш методларини ҳамма сувчиларга ўргатиш лозим. Айниқса кечаси сувдан доимо хабардор бўлиб туриш ишнинг сифатли бажарилишида катта роль ўйнайди. Чигит суви берилганда гектарига 600—700 кубометрдан ошмаслигини эътиборга олиш зарур. Албатта, бу қатъий норма эмас. Баъзи адир ерларда бундан кўпроқ миқдорда сув қўйиш талаб этилса, ероснти суви яқин турган майдонларда эса бу миқдорни анча камайтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда кўп хўжаликларда каттакатта майдонларга чигит кенг қаторлаб — 90 сантиметр қилиб экилмоқда. Бундай ерларга чигит суви берилганда ҳамиша тажрибада кўриб келинган эгат ташлаб суғориш унча фойда бермаслиги мумкин. Биринчи сув вақтида ер ҳали ғовак бўлади, тупроқ орасидан нам анча узоққа етиб боради, дейиладию, аммо сув қўйилмаган эгатдаги чигитга унча нам етмайди. Демак, чигит сувини яхши олган қаторларда ғўза бир текис униб чиқади, бироқ ташлаб кетилган қаторларда эса чигит қуруқ тупроқ орасида қолиб, ола униб чиқади. Шунинг учун Бўка, Пискент, Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл районларидаги юқори зона деб аталувчи майдонларга чигит сувини ҳар қаторга тараш маъқул.

Тупроғи енгил бўлган қумоқ ва қумлоқ, шунингдек шағал қатлами ер бетига яқин жойлашган майдонларда чигит тор ёки кенг қаторлаб экилишидан қатъий назар чигит суви ҳар бир қаторга таралиши мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитдаги майдонлар Пискент районининг Олмалик зонасида, Янгийўл районининг «Интернационал», Ўрта Чирчиқ районининг Охунбобоев номли, Бекобод районининг шамол кучли бўладиган зонасига жойлашган колхоз ҳамда совхозларда кўпроқ учрайди.

Бу йилги шароитда чигит суви бермай туриб, чигитни ундириб олиш мушкул эканлиги ҳозирги пайтда ҳар бир кишига маълум бўлиб турипти. Шунинг учун ҳеч қандай иккиланишга йўл қўймай, барча куч ва техникани тўла сафарбар этиб, далаларни суғоришга тайёрлаш зарур. Ўқариқ олишда техникани ишга солиш лозим. Ўқариқ кетмон билан олинганда вақт кўп кетади, ҳаражат кўпаяди.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида чигит суви беришга киришилганига бир ҳафта бўлай, деб қолди. Бу хўжалик аъзолари ўз ер шароитларини тўғри ҳисобга олиб, шундай қилмоқдалар. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти сувчи кадрлар тайёрлаш, уларга қулай иш шароити яратиб бериш, уста сувчилар билан ёш сувчиларнинг ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Чигит суви бериш икки сменада ташкил этилган. Тунги суғоришда асосан тажрибали, ишнинг кўзини яхши билган сувчилар ишламоқда. Улар бажарган ишларининг сифатига қараб қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилмоқда. Шу билан бирга правление ва партия комитети аъзолари мутахассислар билан биргаликда иш сифатини назорат қилиб бормоқда.

Областимизда чигит суви бериш яхши йўлга қўйиб, ҳамма майдонларда узоғи билан 25 апрелгача чигитни тўла ундириб олиш мўл ҳосил етиштириш йўлидаги энг муҳим вазифа эканлигини унутмайлик.

Чигит суви берилган майдонларда тупроқ етилиши билан қатор ораларини юмшатиш айниқса муҳимдир. Агар ер чигит сувидан кейин ўтказиб юборилса шундан сўнг культивация қилинса қаторларда кесак кўчиб, ёш ғўзалар нобуд бўлади, далаларда ғўза сийрак бўлиб қолади.

Ғўзани биринчи бор культивация қилиш мураккаб иш эканлигини ҳар бир механизатор яхши билади. Агар бу иш ўз вақтида сифатли ўтказилса, культиватор иш органлари етарли миқдорда қўйилса, ва улар чуқурлиги, кенглиги қамраши жиҳатидан мақсадга мувофиқ бўлса далаларимизда ғўза ниҳоллари яхши ривожланади ва кўчат белгиланган миқдорда бўлади. Биз биринчи ишлов вақтида қатор ораларини икки четки иш органлари чигит экилган чизиқдан 7,5—8 сантиметр нариданўтказилишини, 6—8 сантиметр чуқурликда юмшатилишини, қаторнинг қоқ ўртасидан юрадиган ишчи органи эса 10—12 сантиметр чуқурликдан ошмаслигини тавсия қиламиз. Айниқса, кенг қаторлаб чигит экилган майдонларда дастлабки культивация даврида дискалардан фойдаланилса, тупроқнинг чеккага сурилиш олди олинади.

Барча колхоз ва совхозларда гектарларнинг тўлиқ бўлиши, кўчат қалинлиги нормал бўлиши учун ҳозирги пайтда айниқса астойдил ишлаш талаб этилади. Шундай қилиниши керакки, бирорта хўжаликда ҳам карта четлари, ўқариқлар бўйнга чигит экилмай қолмасин. Юқори ҳосилли хўжаликлар симёғочлар ўтган далаларда, тут ва бошқа дарахтлар ўсаётган жойларга тақаб чигит экадилар. Чигит экиш ҳамма майдонларда ғўза тўла униб чиққандан кейингина тугалланди, деб ҳисоблаш керак.

Оққўрғон районида ва бошқа районлардаги кўпгина колхоз, совхозларда чигитни тўла ва бехато ундириб олишга қараб мукофотлашлар, қўшимча ҳақ тўлашлар, шу каби рағбатлантирувчи тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йил областимизда ҳар гектар ерда 120 минг тупдан ғўза кўчати бўлишини таъминлаш вазифа қилиб қўйилган. Чигит қўшқаторлаб экилган майдонларда эса кўчат қалинлиги 140—150 минг тупга етказилади.

Деҳқонлар эрта унса эрта ҳосилга киради, деб бежиз айтишмайди. Чигит областимиз бўйича барвақт экиб олинган экан, энди ҳамма куч, билим ва маҳоратни уни тезроқ ундириб олишга сафарбар этиш лозим. «Экишни тугалладик, энди чигитнинг ўзи униб чиқаверади», деб бўшашувчиликка йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Ҳатто экишдан бўшаган сеялкалар қандоқ бўлса, шундоқлигича қаровсиз ётипти. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Сеялкаларни тезроқ ювиб-тозалаб, пана жойларга олиб қўйишимиз, уларнинг ўрнига культиватор тиркашни тез кунда тугаллаш, чигит сувидан кейин ерлар етилиши билан дастлабки культивацияни ёппасига бошлаб юбориш, бу ишнинг сифатли ўтказилишига айниқса катта эътибор бериш зарур. Ёш илдиз озуқадан яхши фойдалангандагина унинг чуқурга ва атрофга таралиши, солинган минерал ва органик ўғитлардан тўла фойдалана олиши, демак, тезроқ ривожланиши мумкин.

Маълумки, эрта-индин пилла қуртлари боқишга киришамиз. Айни ғўза парваришни кучайган бир пайтда, яъни 10—15 майлар оралиғида иш жадаллашиб кетади. Шунинг учун кўпгина дала ишларини, масалан, маккажўхори, хашаки лавлаги яганалари, дастлабки парвариш, беда ўримини 15 майга қадар тугаллаб олиш, асосий кучни тўғри тақсимлаган ҳолда иш юритиш зарур.

Пойтахт областимиз пахтакорлари бу йил она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, ҳосилдорликни гектар бошига 34 центнерданга кўтариш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Техника билан етарли даражада қуролланган ва бошқа барча имкониятларга эга бўлган областимиз пахтакорлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қиладилар. Бугунги кунда областимиз пахта далаларида фидокорона ишлаётган колхозчилар ва совхоз ишчилари, азамат механизаторлар КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларига жавобан ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар ва мўл ҳосилга пухта замин яратаётирлар.

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг апрель Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXV съездини чақиришга қарор қилди. Пленумда халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Бу хушхабар биз колхозчиларни янада руҳлантириб юборди. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида партиямизнинг халқаро миқёсда олиб бораётган оқилона тинчлик сиёсатини зўр қониқиш билан қўллаб-қувватлаймиз. Улуғ Ватан уруши даҳшатларини кўрган ва жабрини тортган совет халқи барқарор тинчлик бўлишини ҳамиша истайди.

Биз тинч меҳнат шароитида шонли партиямизнинг тарихий XXV съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилганмиз. Бригадамиз аъзолари съезд шарафига 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга қарор қилдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан 8 центнер кўп демакдир.

М. ТОШБОЕВ,
Бекобод районидаги Навоий номли колхознинг участка бошлиғи.

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Шонли Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг 16 апрелда бўлиб ўтган Пленуми биз қурувчилар отряди учун ажойиб хушхабарни етказди. КПССнинг навбатдаги XXV съездининг 1976 йил 24 февралда чақирилишини эшитиб, беҳад қувондик. Чунки биз партия XXIV съездининг улуғвор программалари нақадар ҳаётийлигини амалда кўрдик. Шу буюк режаларни муддатидан олдин бажариш йўлида фидокорлик кўрсатиб ишладик. Эндиликдаги ғайратимизни жонажон партиямиз Марказий Комитетининг XXV съездини муносиб кутиб олишга қаратамиз.

Пленумда «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги масала кўрилиб, КПССнинг барча тинчликсевар халқлар орзу-умидини, мақсади ва режаларини амалга оширишдаги ишларига юксак баҳо берилди.

Биз КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолиятларининг ажойиб самаралари гувоҳи бўлдик. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезди йўлини, съезд қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини қизғин маъқуллаймиз ва батамом қўллаб-қувватлаймиз.

Тошкент шаҳрини тиклашда ўзининг ишчанлиги, интизомлилиги, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича трестда илғорликни қўлга киритган бизнинг участкамиз қурувчилари бундан буён ҳам социалистик мусобақани янада авж олдириб партия ва ҳукуматимиз режаларини ҳаётга татбиқ қилиш йўлида зўр иштиёқ билан меҳнат қилаверадилар.

И. МУҲАМЕДОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли 1-трест 2-участкасининг кран-машинисти, меҳнаткашлар депутатлари Киров район Советининг депутати.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Кеча Тошкентда меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия раиси А. В. Браилов мажлисни очиб, бутун республикадаги каби пойтахт областида ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларга шу йил 15 июнда бўладиган сайловларга кенг тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлади.

Халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сайловлар доимо муҳим воқеа бўлиб келган. Бу йилги сайлов кампанияси эса алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йилги сайловлар ажойиб саналарга тўғри келади. Бутун мамлакатимиз совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг шонли 30 йиллигини тантана билан нишонлашга ҳозирланмоқда. Советлар Ватани меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1976 йил февралида партиянинг навбатдаги XXV съездини чақириш тўғрисидаги қарорини жуда катта кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати ҳамда КПСС Марказий Комитетининг оташин 1 Май Чақириқларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Улар беш йилликни мўваффақиятли якунлаш учун, севимли Ватанимиз иқтисодий, ва мудофаа қудратини тобора мустаҳкамлаш учун курашга ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Ўртоқ Браилов сўзини якунларкан область сайлов комиссиясининг вазифалари масаласига тўхталди.

Область сайлов комиссияси область ижроия комитетининг секретари А. Э. Назаровнинг меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотини эшитди. Областда 12.140 сайлов округи ташкил қилинди, бу ўтган сайловлардагидан 441 та кўпдир. Бу факт область иқтисоди ва маданияти тараққиётидаги катта ўзгаришлардан дарак беради. Аҳоли сони анча кўпайди.

Область ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари сайловларга ташкилий-техник жиҳатдан тайёргарлик бўйича ва сайловчиларга маданий-маиший, савдо ва медицина хизмати кўрсатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқдилар. Областда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ўтказувчи сайлов комиссияларига меҳнаткашлар ва жамоат ташкилотларининг вакилларини кўрсатиш тугалланди. Областда ҳаммаси бўлиб 151 сайлов комиссияси тузилди, уларга 865 киши сайланди.

Область сайлов комиссияси ўз иш планини тасдиқлади ва комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилди, шунингдек, ўз жойини белгилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАН

XV чақириқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссияси қуйидаги адресга жойлашган: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй, телефон 338185.

САНОАТИМИЗНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТИДА 1975 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ КВАРТАЛИДА ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан, Улуғ Ватан урушидаги Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб ва Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига тайёргарликни кенг авж олдириб, ўтган биринчи кварталда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1974 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 10,5 процент, меҳнат унумдорлиги эса 6,8 процент ошди.

Қора ва рангли металлургияда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1974 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 9,5 процент, электр энергетика 1,8 процент, химия саноати 26,9 процент, машинасозлик ва металл ишлаш 14,6 процент, ўрмон-ёғоч ишлаш саноатида 10,9 процент, бинокорлик материаллари саноатида 16,1 процент, енгил саноатда (пахта тозалаш саноати ҳам ҳисобга киради) 5,1 процент, озиқ-овқат саноатида 8,4 процент кўпайди.

Саноат маҳсулоти реализацияси ҳажми бўйича квартал планини Оҳангарон районидан ташқари барча шаҳарлар ва районлар саноати тўла ва ошириб бажарди.

Тошкент, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, областдаги қатор районлар саноат корхоналари коллективлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, биринчи кварталда реализация, ишлаб чиқаришни ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш планларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Шунингдек, қатор муҳим буюмларни ишлаб чиқариш планларининг тўла ва ошириб бажарилиши таъминланди. Пўлат, прокат ишлаб чиқариш, кўмир қазиб чиқариш, химия асбоб-ускуналари, пахта сеялкалари, цемент, рўзғор холодильниклари, трикотаж буюмлари ва мебель ишлаб чиқариш юзасидан шу йилнинг биринчи кварталига мўлжалланган социалистик мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди.

Муҳим саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва кўпайиши қуйидагича бўлди:

	1975 йилнинг 1-кварталда ишлаб чиқарилган	1975 йилнинг 1-кварталда 1974 йилнинг 1-кварталидагига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси — миллиард киловатт соат	4,1	101
Кўмир — минг тонна	1350	114
Куч трансформаторлари — минг киловольт ампер	1111	94
Брон кабели — минг километр	4,6	112
Компрессорлар — дона	1318	106
Тракторлар — дона	5,6	99,6
Трактор прицепларининг — минг дона	9,0	100,3
Трактор культиваторлари — минг дона	[illegible]	83
Пахта териш машиналари (физик бирликда) — дона	1921	107
Кўрак чувиш машиналари — дона	875	116
Электрик кўприк кранлари (махсуслари ҳисобга кирмайди) — дона	219	110
Экскаваторлар — дона	353	104
Цемент — минг тонна	647	102
Нигма темир-бетон конструкциялари ва деталлари (ёрдамчи саноатда тайёрланганидан ташқари) — минг куб метр	509,3	104
Бинокорлик гишти (ёрдамчи саноатда тайёрланганидан ташқари) — миллион дона	146,6	100,6
Асбоцемент шифери — шартли миллион плита	48,3	110
Дераза ойнаси — минг квадрат метр	768	103
Қоғоз — минг тонна	6,5	106
Мебель — миллион сўмлик	11,1	109
Рўзғор холодильниклари — минг дона	19,6	115
Газ плиталари — минг дона	34,4	101
Пахта толаси — минг тонна	44,4	111
Канап толаси — минг тонна	3,4	109
Ип газламалари — миллион квадрат метр	38,1	102
Пайпоқлар — минг жуфт	10	67
Ички трикотаж — миллион дона	2,5	106
Устки трикотаж — миллион дона	1,5	96
Чарм пойафзал — миллион жуфт	2,9	108
Гўшт (давлат ресурслари ҳисобланганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	13	111
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисобланганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	30,9	116
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	13,3	97
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	15,2	105
Консервалар — шартли миллион банка	10,5	131
Маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмлари — миллион сўмлик	63,5	116,9

1974 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 162 минг тонна кўп кўмир қазиб чиқарилди, электр энергияси 59,3 миллион киловатт соат, трактор прицеплари 93 дона, брон-кабели 488 километр, компрессорлар 72 дона, пахта териш машиналари (физик бирликда) 121 дона, қишлоқ хўжалик машиналари 1 миллион 814,1 минг сўмлик, химия асбоб-ускуналари 569 минг сўмлик, экскаваторлар 13 дона, цемент 11,1 минг тонна, асбо-цемент қувурлари шартли 90 километр, линолеум 166 минг квадрат метр, мебель 946 минг сўмлик, пахта толаси 4,2 минг тонна, ип газламалар 729,8 минг квадрат метр, чарм пойафзали 227,4 минг жуфт, гўшт 1,3 минг тонна, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 4,3 минг тонна, колбаса маҳсулотлари 494 тонна, консервалар шартли 2,5 миллион банка кўп ишлаб чиқарилди.

Биринчи кварталда область корхоналарида янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Қатор корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширмоқдалар, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишларни давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга айрим корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, муҳим буюмларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, товар маҳсулоти таннархини камайтириш ва фойда олиш планларини бажармадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.
ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

Моҳир слесарь Павел Клачков Тошкентдаги «Геологоразведка» заводида кўп йиллардан бери баракали меҳнат қилиб келади. У шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, айни кунларда ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. П. Клачков умумхалқ ҳашарида актив иштирок этиб, шу куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилган. Суратда: катта мастер Эркин Раҳимов (чапда) ва П. Клачков.

Ж. Тўраев фотоси.

ЭРТАГА — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Калинин райони меҳнаткашлари халқимизнинг ажойиб анъанага айланиб қолган шанбалигини ўтказишга ҳар нили фаол иштирок этадилар. Ўтган нили бўлиб ўтган ана шу умумхалқ ҳашарида 27 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи, колхозчи иштирок этган эди. Шу куни 46 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган. Тўққизинчи беш йиллик фондига утказилган иш ҳақи миқдори эса 43 минг сўмликдан кўпроқ бўлган эди.

Район меҳнаткашлари москволикларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 105 йиллиги шарафига шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусларига оғир овоздан қўшилдилар. Барча корхоналар колхоз ва совхозларда ташкилотлар ва муассасаларда шанбаликка пухта тайёргарлик кўриб қўйилди. Бу умумхалқ ҳашарининг қақиқатан ҳам оммавий утиши, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонланиши учун барча тадбирлар белгиланди.

Райондаги 7-гишт заводлари бошқармаси, хўжалик-рўзғор буюмлари фабрикаси, жун фабрикаси ва бошқа корхоналар коллективлари иш жойларида бўлишади. Ўнларча минг сўмлик бинокорлик материаллари, жун рўзғор анжомлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Барча совхоз ва колхозлар деҳқонлари экиш-тикиш ишларини давом эттирадилар. Бундан ташқари корхоналар территорияси, қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилади. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтказилади. Ўнлаб тонна темир-терсак йиғилади.

Район меҳнаткашларидан шанбаликда салкам 30 минг киши иштирок этади. 50 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тўққизинчи беш йиллик фондига эса 45 минг сўм маблағ ўтказилади.

М. МАҲМУДОВ.

Москвалик илғор корхона коллективларининг шу йилнинг 19 апрелида улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 105 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуслари Бекобод райони меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Шанба куни барча саноат корхоналарида меҳнат жараёни бир дақиқа ҳам тўхтамай давом этади. Аксарият корхона участка ва бўлим коллективлари ана шу куни ҳар қачонгидан ҳам унумли ишлаш, иложи борича кўпроқ маҳсулот тайёрлаш учун курашадилар. Маҳсулотнинг анчагина қисми тежалган материаллар ва хом ашё ҳисобига ишлаб чиқарилади. Бинокорлар қурилиш объектларида ишни давом эттирадилар. Шу куни ўнларча минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари дала ишларини кучайтириб, экинларни парвариш қилиш билан шуғулланадилар.

Умуман, район меҳнаткашлари шанбалик кунида ҳаммаси бўлиб 125 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Шанбаликда 35 мингга яқин киши иштирок этади. Тушган 27 минг сўмлик иш ҳақи тўққизинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Қ. РАҲИМОВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Бўстонлиқ райони меҳнаткашлари коммунистик шанбаликка пухта ҳозирлик кўрдилар.

Ўтган йили районда Бутуниттифоқ шанбалигида 47 минг киши қатнашган эди. Ҳаммаси бўлиб 73 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган, тўққизинчи беш йиллик фондига эса 41 минг сўмликдан ортиқроқ иш ҳақи ўтказилган эди. Район меҳнаткашлари бу йил шанбаликда ками билан 100 минг сўмлик ялпи маҳсулот чиқаришга аҳд қилдилар. Бу хайрли ишда иштирок этувчилар сафида салкам 50 минг киши бўлади. Беш йиллик фондига ўтказиладиган иш ҳақи миқдори эса 43 минг сўмни ташкил этади.

Ғазалкентдаги консерва заводи, тошга ишлов бериш комбинати, сут, ойна заводи, Товоқсой рўзғор химияси фабрикаси, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, автобазалар коллективлари шу куни меҳнат постларида бўлишади. Ўнларча минг тонна халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга етказиб беришади. Колхоз ва совхоз деҳқонлари ҳам шанбалик куни янги боғ-роғлар ташкил этиш, кўклам ишлари билан шуғулланадилар. Минглаб туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, гуллар, ихота буталари ўтқазилади.

98.000 ТОННА КАРТОШКА УЧУН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАРТОШКАЧИЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ОБЛАСТДАГИ БАРЧА КАРТОШКАЧИЛАРГА МУРОЖААТИ

Биз Тошкент областининг картошкачилари ўз кенгашимизга қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари далаларда ва фермаларда фидокорона меҳнат қилаётган, 1975 йил — тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили мўл ҳосили учун катта замин яратаётган кунларда тўпландик.

Областнинг картошкачилари ҳам барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қатори шу кунларда картошка экиш ва уни парвариш қилишда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Биз 1975 йилда область бўйича 98 минг тоннадан кўпроқ картошка етиштириб, шундан 53 минг тоннасини давлатга сотиш юзасидан ўз зиммамизга юксак социалистик мажбурият қабул қилганмиз.

Бу юксак социалистик мажбуриятни бажариш КПСС Марказий Комитети декабрь (1974 йил) Пленуми қарорларига, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми ва Тошкент область партия комитетининг V пленуми қарорларига муносиб меҳнат туҳфамиз бўлади.

Биз картошкачилар, бу маҳсулот халқимизнинг иккинчи нони, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда у катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунамиз.

Областимиз шароитида картошка яхши ўсади, мўл ҳосил беради, унга сарфланган харажат қисқа муддатда ўзини қоплади ва катта даромад олинади. Картошканинг биологик хусусиятларини ҳисоога олган ҳолда замонавий агротехника қондалари асосида парвариш қилинса, бизнинг шароитимизда иссиқ кунларнинг узоқ давом этиши, тупроқ иқлим шароити қулайлиги туфайли йилига икки марта ҳосил етиштириш имконияти бор.

Картошка етиштиришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, комплекс механизацияни қўллаш, меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашни такомиллаштириш, уруғчиликни яхшилаш асосида картошкадан юқори ҳосил етиштириб, унинг таннархини камайтириб, рентабелликни ошириб бораётган кўпгина илғор оригада, колхоз ва совхозлар бор.

Ўтган йили Калинин районида ҳар гектар ердан 119,7 центнердан ҳосил олинди. Бу эса область бўйича эришилган ҳосилдорликдан 27,5 центнердан кўпдир. Шу райондаги Карл Маркс номли колхозининг Фанзи Миразъамов ошлик бригада аъзолари ҳар гектар ердан 187 центнердан картошка етиштирдилар. Бу эса колхоз бўйича ўртача ҳосилдан 41 центнердан кўпдир. Шу райондаги Ильич номли колхозининг Тоштемир Раҳмонбердиев бригадаси ихтисослаштириш ва комплекс механизациялаштиришга ўтган биринчи йилдаёқ ҳар гектар ердан 144 центнердан ҳосил олди. Бу кўрсаткич колхоз бўйича етиштирилган ўртача ҳосилдан 12 центнердан кўпдир. Бригада ҳар гектар ердан 1036 сўмдан соф даромад олиб, рентабелликни 53 процентга етказди.

Шунингдек, шу райондаги «Ленин йўли», Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Орджоникидзе районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари областимизда мўл картошка ҳосили етиштириш мактаби бўлиб қолдилар. Областимиздаги картошка етиштирувчи барча звено, бригада, колхоз, совхоз ва районларни юқори ҳосил етиштираётган коллективлар даражасига кўтариш картошка етиштиришни бирмунча оширишга имкон беради.

Картошка етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун колхоз ва совхозлар зарур техника, минерал ўғитлар ва бошқа воситалар билан таъминланган. Ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни шак-шубҳасиз бажариш учун биз кенгаш қатнашчилари областдаги барча картошка етиштирувчи бригада аъзоларига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун мурожаат қиламиз.

Эртаги картошка экилган барча майдонларда парваришни намунали ташкил қилиб, картошка униб чиққунга қадар ва униб чиққандан кейин махсус бороналар билан ишлов берамиз. Бу агротехника усули бегона ўтларни йўқотиш билан бирга тупроқда нам сақланишини, экиннинг яхши ўсишини таъминлайди. Шу билан бирга картошка қатор ораларини культивация қилиш, суғориш ва озиқлантиришни агротехника талаблари асосида ўз муддатларида ўтказамиз.

Картошканинг ўсиши даврида камида уч марта культивация қиламиз. Ўсимлик гуллаш олдидан эса ҳар гектар ерга 100—150 килограмм азот ва 120—140 килограммдан суперфосфатни маҳаллий ўғитларга аралаштириб озиқлантирамиз.

Суғориш устидан қатъий назорат ўтказишга алоҳида эътибор берамиз. Мева туғиш давригача ҳар 8—10 кунда, мева туга бошлагандан кейин эса ҳар 5—7 кунда суғорамиз. Тупроқ шароити ва ерости сувларининг жойланиш сатҳига қараб картошка мавсумда 8—10 мартагача суғорилади. Картошка экинининг яхши ўсиши ва тез ҳосилга кириши учун уни ўтказиб суғоришга мутлақо йўл қўймаслик керак.

Кечки картошка экишни қулай агротехника муддатларида ўтказамиз. Товар маҳсулоти олиш учун мўлжалланган участкаларда кечки картошкани июнь ойининг иккинчи ярмидан, уруғлик олинадиган участкаларни эса июль ойининг иккинчи ярмидан кечикмай экишни ташкил қиламиз.

Кечки картошка экиш учун шу кунлардан бошлаб уруғлик тайёрлаймиз. Кечки картошка экишга мўлжалланган далаларда тупроқни сифатли тайёрлаб, экишга алоҳида эътибор берамиз.

Колхоз ва совхозларни кечки муддатларда экиш учун уруғликка бўлган талабини қондириш ва четдан уруғлик сотиб олмаслик учун ўз хўжаликларимизда етиштирилган эртаги навлардан — «Приелькульский ранний», «Сеидов», «Скороспелка—1» ва бошқа навларни такрорий экишни кенг қўлланамиз. Бу уруғлик картошкаларнинг тўлиқ униб чиқиши учун экишдан аввал геббереллин, тиомочевина ва ТМТД аралашмасидан тайёрланган махсус эритмаларда ишлов берамиз.

Кечги картошкани суғориш агротехникаси эртаки картошканикидан бирмунча фарқ қилади. Кечки картошкага бирмунча кўпроқ, яъни мавсумда 3—4 марта кўп сув берилади. У мавсумда 12—14 мартагача суғорилади.

Колхоз ва совхозларнинг уруғлик картошкага бўлган талабини қондириш учун ҳар бир хўжаликда олдиндан уруғлик майдонларини белгилаймиз ва бу ерларни юксак агротехника талаблари асосида парвариш қиламиз.

Картошка етиштиришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш учун ҳар бири камида 40—50 гектар майдонга эга бўлган, хўжалик ҳисобида иш олиб борадиган, комплекс механизациялашган бригада ва звеноларни тузамиз. Уларни қишлоқ хўжалик техникаси, уруғлик, минерал ўғитлар, гербицид ва бошқа воситалар билан таъминлаш чораларини кўрамиз.

Меҳнатни ташкил қилишга ва ҳақ тўлашга, колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, сувчилар ва звено бошлиқларининг моддий манфаатдорлигини оширишга, шунингдек, маҳсулот таннархини камайтиришга ва рентабелликни оширишга алоҳида аҳамият берамиз. Шу мақсадда Калинин районидаги Ильич номли колхознинг тажрибаларини кенг қўллаймиз.

Ҳар бир колхоз ва совхозда уруғлик картошкани сақлаш учун махсус замонавий омборхоналар қуриш ишини ташкил қиламиз.

Шаҳарларда, саноат марказларида яшовчи ишчи ва хизматчиларнинг картошкага бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида янада мўл картошка етиштириш тадбирларини кўрамиз, тайёрлов ва савдо ташкилотлари билан биргаликда шартномаларда кўзда тутилган муддатларда керакли миқдорда юқори сифатли маҳсулот етказиб берамиз.

Қадрли ўртоқлар!

1975 йил — алоҳида йилдир. Бу йили тўққизинчи беш йиллик якунланади. Ҳар бирмизнинг бурчимиз шундан иборатки, қишлоқ хўжалик ходимларининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, якунловчи йилда ва умуман беш йилликда картошка етиштириш учун белгиланган планни ва социалистик мажбуриятни ошириб бажариб, маҳсулот мўл-кўлчилиги яратиш ишига ўз муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

БУ МУРОЖААТ ОБЛАСТЬ ИЛҒОР КАРТОШКАЧИЛАРИ КЕНГАШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

КАРТОШКАЧИЛАР АНЖУМАНИ

Ўтган шанба куни сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институтида область илғор картошкачиларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни область партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Камолов** очди. У область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, хусусан картошкачилар олдида турган катта вазифалар, картошка етиштириш соҳасида якунловчи йил план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш резервлари ҳақида сўзлади.

Бу йил область картошкачилари ўз зиммаларига жуда юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Ҳар бир хўжалик гектаридан камида 150 центнердан картошка етиштириш учун курашмоқда.

Кенгашда Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари **Э. Исоқов, П. Черников, Н. Раҳматуллахўжаев, О. Тошхўжаев** ўртоқлар картошка етиштиришдаги илғор агротехника усуллари, уруғчилик, такрор ҳосил етиштириш, механизацияни жорий қилиш, минерал ўғитлардан фойдаланиш ва зараркунандаларга қарши кураш соҳасида олиб борилаётган илмий ишлардан сўзлаб бердилар.

Шундан кейин Калинин районидаги Ильич номли колхоз раиси **С. Раҳматуллаев** ва Орджоникидзе районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бош агрономи **И. Асатовлар** ўз хўжаликларидаги илғор тажрибалардан гапирдилар.

Бу хўжаликлар ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, йил сайин мўл ва арзон картошка етиштириб келмоқдалар. Хўжаликда ҳар йили юқори навли уруғлик жамғарилади. Колхоз давлатга кўп картошка етказиб бермоқда ва катта даромад олмоқда. Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз директори **Ғ. Қодиров** тогли зонада картошкадан мўл ҳосил етиштириш тажрибалари ҳақида гапирди. Хўжалик бу йил 283 гектар ерда эртаги картошка етиштирмоқда. Совхоз ҳар йили ўзини уруғлик билан таъминлашдан ташқари бошқа хўжаликларга ҳам юқори нав уруғлик етказиб берянти.

Кенгашда илғор картошкачилик бригадаси бошлиқлари ҳам сўзга чиқдилар. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадасининг бошлиғи **Ф. Миразъамов** кўп йиллардан бери картошка етиштириш билан шуғулланади. Унинг бригадаси ўтган йили кечки картошканинг ҳар гектаридан 200 центнердан ошириб ҳосил олган эди. Бу йил бригада аъзолари ҳар гектар ердан 250 центнердан картошка етиштириш учун кураш олиб бормоқдалар.

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозидан **С. Ибоев**, Янгийўл районидаги Свердлов номли совхозидан **М. Аҳмедов**, Орджоникидзе районидаги «Октябрь» колхозидан **Ш. Валиев**, «Оҳангарон» совхозидан **С. Ғойипов** ва бошқа картошкачилик бригада бошлиқлари бу йил ҳар гектар ердан 200 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бердилар.

Кенгашда область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари областдаги барча картошка етиштирувчи хўжаликларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР — КАТТА КУЧ

ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ САВДО СИСТЕМАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНЛАРНИНГ 81,6 ПРОЦЕНТИ ХОТИН-ҚИЗЛАР

Социалистик тузум хотин-қизларни жабр-зулмдан халос этиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги, ишлаб чиқариш, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги активликларини оширди. Коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида хотин-қиз ишчилар, колхозчилар, инженер ва агрономлар, олимлар ва санъат арбоблари, ўқитувчи ҳамда врачлар, шунингдек бошқа касб эгалари фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Хотин-қизлар умумхалқ манфаати йўлида сидқидилдан, ҳалол ва фидокорлик билан меҳнат қилаётирлар. Улар партия XXIV съезди илгари сурган буюк социал-иқтисодий программани амалга ошириш учун сабот-матонат билан курашмоқдалар.

Мамлакатимиздаги меҳнаткаш хотин-қизлардан бир миллиондан ортиқ киши меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, СССР Иттифоқи Олий Советига сайланган, миллионларча хотин-қизлар партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларида самарали иш олиб бормоқдалар.

Бу йил бутун планетада Халқаро хотин-қизлар йили нишонланади. Областимизнинг барча саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалари, колхоз ҳамда совхозларида ана шу шонли сана шарафига мусобақа авж олди. Шу жумладан, область савдо бошқармасининг ташкилотлари хотин-қизлари ҳам бу жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган байрамни муносиб нишонлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бу катта оилада ҳамжиҳатлик билан хизмат қилаётганларнинг 81,6 процентини хотин-қизлар ташкил этиши айниқса диққатга сазовордир. Улардан аксарият қисми савдо системасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, ҳалол меҳнати учун партия ва ҳукуматимиз томонидан турли мукофотлар билан тақдирланган ходимлардир.

Ушбу саҳифада савдо бошқармаси ташкилотларида хизмат қилиб, обрў-эътибор орттирган, ҳозир ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган бир неча савдо ходимлари — хотин-қизларнинг иши, ҳаёти ва режалари ҳақида ҳикоя қилинади.

ЭЛ ҲУРМАТИГА САЗОВОР

КАБИНЕТГА ўрта бўйли, оқ сариқдан келган, истараси иссиққина аёл кириб келди. Унинг нигоҳидаги самимият, бегубор табассум аёлнинг кўнгли очиқ эканлигидан далолат берарди. У хонадагилар билан саломлашгач, директорга қаради.

Чирчиқ шаҳар савдосининг директори Иван Федорович Ермичев аввал Бусора Исоқовадан ҳол-аҳвол сўради, ишнинг боришини суриштирди. Кейин асл мақсадга ўтиб, нима учун чақиртирганлигини айтди. Бусора билан ҳаёт йўли, савдо соҳасидаги ўттиз йиллик фаолияти борасида суҳбатлашдик.

Уруш бошланган пайтда Бусора Чирчиқ электрохимия комбинатида ишларди. Шаҳарда савдо, таъминот масаласини тезда ҳал қилиш керак эди. Кадрлар етишмасди. Шунда комбинат комсомол ташкилоти ўнлаб ёшлар қаторида Бусорани ҳам уч йилик савдо курсига ўқишга юборди. Ўқишни тугатгач, озиқ-овқат, саноат моллари магазинларида оддий сотувчи бўлиб, практикасини оширди. Кейинчалик газлама магазинида ишлай бошлади. Бусора ўзининг биринчи устози, савдо ветерани Носировнинг «Ҳамиша харидорлар билан ҳушмуомалада бўл, одамларнинг кайфияти сенга боғлиқлигини унутма», деган сўзларига амал қилди. У икки йил ичидаёқ ишчанлиги, ўз касбига ва харидорларга меҳрибонлиги билан ҳурмат қозонди. 1948 йилда эса актив комсомол аъзоси Бусора Исоқова шаҳар Советига депутат қилиб сайланди.

— Ўша йилдан бошлаб Бусора Исоқова шаҳар Советига депутат қилиб сайланди, — дейди шаҳар савдо бўлимининг бошлиғи Лидия Алексеевна Пенькова. — Улуғ Ватан уруши ногиронларига, пенсионерларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда биринчи ташаббускор Бусора бўлган.

Шаҳар савдосидагилар Бусоранинг жамоат ишларида активлигини алоҳида қайд қилишди. У хотин-қизлар Советининг аъзоси сифатида кўпгина тадбирларни амалга оширишга ёрдам берди. Б. Исоқова шу йили 8 Март байрами куни ўтказилган шодлик даврасида совет хотин-қизларининг коммунистик қурилиш ишларида актив иштирок этаётганлиги тўғрисида доклад қилди. Ўз коллективида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ҳаётидан олинган мисоллар асосида бугунги бахтиёр турмуш тўғрисида завқланиб гапирди.

Чирчиқ шаҳар савдосида ташкил қилинган хотин-қизлар гигиенаси уйи, партия ва комсомол сиёсий маорифи кабинетларини жиҳозлаш ишларига Бусора катта ёрдам берди. У ёш савдо ходимларининг билим олишларига алоҳида эътибор беради. Бусора бошчилик қилаётган коллективдаги ёшларнинг анчагинаси институт ва техникумларда сиртдан шуғулланмоқдалар.

Бусора Исоқова газламалар магазинида мудир сифатида савдо маданиятини ошириш учун кўп ишлар қилди. Унинг таклифи билан бу савдо объекти ихтисослашди. Натижада товар обороти йилдан-йилга кўпайиб борди. Бир неча йиллар давомида ана шу магазинда ҳеч қандай нуқсонсиз ишлаган, план ва мажбуриятларни ошириб бажариб, харидорлар ҳурматини қозонган Б. Исоқованн шаҳар савдо бўлими 1966 йилда илғор савдо ходимлари кенгашига делегат қилиб сайлади. Бусора Москвадан кўксида Ленин ордени билан қайтди. Унинг шахсий делосида қатор медаллар, фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар ҳам қайд этилган.

СОВЕТ савдоси аълочиси коммунистик меҳнат зарбдори Бусора Исоқова шу кунларда «Совғалар» магазинига мудирлик қилаётир. У ўзи билан бирга ишлаётган Джеванр Абдурафиева, Катя Лейсмейстер, Аня Бакирова сингари ёш савдо ходимларига иш тажрибасини ўргатиб бормоқда.

Чирчиқлик савдо ходимлари камтар, ўз касбига меҳр қўйган, эл орасида обрў топган Бусора Исоқова билан ҳар қанча фахрланишса арзийди.

С. ҲАСАНОВ.

ХИЗМАТИМИЗ — ХАЛҚҚА

Оқила ЮСУПОВА,
область савдо бошқармасининг бошлиғи

ШОНЛИ Коммунистик партиямиз XXIV съезднинг ҳаётбахш режаларини амалга оширишда савдо ходимларининг зиммасига муҳим вазифалар юкланган. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, прогрессив методларни кенг жорий этиш, харидорлар талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олиш шулар жумласидандир.

Ана шу нуқтаи-назардан қараганда область савдо бошқармасининг ташкилотларида бир мунча ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган йили давлат ва маҳаллий савдо объектлари майдони 31206 квадрат метрга кўпайди. Мавжуд магазиналарнинг анчагинаси реконструкция қилиниб, замонавий, қулай ускуналар билан жиҳозланди. Товарлар рекламасини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзўзича хизмат кўрсатиш усулида ишлайдиган магазинлар сони ортиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Беш йилликнинг тўртинчи йилида уларнинг умумий товар-оборотига нисбатан салмоғи 31,5 процентни ташкил этди. Кадрлар малакасини ошириш, шогирдлик йўли билан савдо ходимлари тайёрлаш, коллективлараро социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш туфайли ўтган йили товар обороти плани 100,2 процент бажарилди ёки пландан ташқари 564 минг сўмлик турли товарлар реализация қилинди.

Савдо маданиятини юксалтириш, зиммаларидаги топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларининг савдо ходимлари ибрат бўлдилар. Бу ташкилотларда мусобақа якунлари ойма-ой чиқариб борилди, харидорларга хизмат кўрсатишнинг энг қулай усулларидан фойдаланилди.

Ангрен шаҳар савдоси Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзсоюзпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Маълумки, ҳар бир соҳада ҳам ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Шуни назарда тутган савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш трестлари раҳбарлари кадрлар составини яхшилашга катта эътибор бермоқдалар. Савдо системасига ишга борича хотин-қизлардан кўпроқ жалб этилаётир. Беш йиллиқнинг уч йилу олти ойи ичида савдо ходимлари 2 минг 100 нафарга ортди. Ҳозирги пайтда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлаётган 13226 ходимнинг 10824 нафари ёки 81,6 процента хотин-қизлар. Чирчиқ умумий овқатланиш корхонасида 90,6, Бекобод шаҳар савдосида эса 86,8 процентни хотин-қизлар ташкил қилади. Тажриба шуни кўрсатдики, қаерда хотин-қизлар савдо системасига кўпроқ тортилган бўлса, шу ерда камоматга йўл қўйиш, савдо тартибини бузиш ҳоллари дедрлик учрамайди.

Савдо системасида хотин-қиз кадрларнинг мустаҳкамланиб қолишидаги айрим тажрибалар ҳақида гапирмоқчиман. Ҳар бир шаҳар савдосида, умумий овқатланиш трестларида аёллар унумли ишлаши учун қулайликлар яратилган. Болалар боғча ва ясли ларининг мунтазам ишлаётганлиги, ниш шароитининг яхшиланиб бориши шулар жумласидандир. Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Янгийўл савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш трестларида турли ёшдаги хизматчилар учун, спорт секциялари, тўгараклар ишлаб турибди. Кўплаб савдо корхоналарида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари уюштирилган.

Область савдосида ўзининг касбига бўлган меҳри, тажрибаси, ёшларга бўлган илиқ муносабати билан обрў орттирган савдо ветеранлари анчагина. Улардан 56 нафари партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган. Булар орасида Чирчиқ шаҳар савдосидан Бусора Исоқова, Федора Степановна Лучкина, Ангрен шаҳар савдосидан Саноат Йўлдошева, Янгийўл шаҳар умумий овқатланиш трестидан Лутфи Шарипова сингари ўзининг қалб қўрини, иш тажрибасини ёшларни тарбиялашга, малакали ходимлар тайёрлашга бағишлаётган хизматчилар ҳам бор.

Янгийўл умумий овқатланиш трестида хизмат қилиб келаётган Лутфи опа Шарипова савдо системасида 30 йилдан буён ишлаб келмоқда. Лутфи опа Янгийўлдаги ошхоналардан бирида 1945 йилдан бери ошпаз бўлиб ишлайди. У шу давр ичида иш жойини бирон марта ўзгартмади. Ҳозирги пайтда ана шу ошхона «Баҳор» ресторанининг филиалига айланган. Опа ҳамон шу филиалда ўз бурчини сидқидилдан адо этмоқда. Ўтган йил Лутфи Шарипова Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Лутфи опанинг умр йўлдоши Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Лекин, у ўзининг беш фарзандини жамиятимизга фойдали кишилар қилиб етказди. Катта ўғли Гамлет Янгийўл босмахонасида цех бошлиғи, Баҳодир водопровод тармоқлари системасида раҳбарлик лавозимида ишламоқда. Қаҳрамон монтёрлик, Бахтиёр ишчилик шарафини улуғлаб келишяпти, Боқижон ҳарбий хизматда.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ана шундай меҳрибон аёлларнинг меҳнат қилаётганлиги туфайли ҳам шогирдлик йўли билан кўплаб савдо ходимлари тайёрланди. Беш йилликнинг уч йили ичида 8413 савдо ходими малакасини оширди. Бундан ташқари, бу йил савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида оммавий касб эгаларининг малакасини ошириш учун курслар уюштирилди. Меҳнат зарбдорлари сони тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда область савдо бошқармаси коллективларида коммунистик меҳнат зарбдори номини олган 32 корхонамавжуд. Бу ердаги савдо ходимларининг кўпчилиги хотин-қизлардир.

Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимига кўтариш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. Ҳозирги пайтда бу системада хизмат қилаётган хотин-қизларнинг 74 процента магазин мудири, 89 процента сотувчи, 79 процента ишлаб чиқариш бўлимлари мудири бўлиб ишламоқдалар. Хотин-қизлар партиявий ва жамоат топшириқларини бажаришда ҳам активлик кўрсатаётирлар. Улар партия ташкилотларининг секретарлари, бирлашган касаба союзлари комитетларининг ранслари сифатида социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнат унумдорлигини оширишда ёрдам бермоқдалар. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ташкил этилган хотин-қизлар Советлари ўтказаётган суҳбатлар оммавий-сиёсий ишларни жонлантиришда муҳим роль ўйнаяпти.

Тўққизинчи беш йилликда хотин-қизлардан 218 нафари юқори лавозимларга кутарилган. Кўпгина хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида, техникумларда билим олмоқда.

Областимиз савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида хотин-қизлар армияси сафининг кенгайиб борини ишимизнинг ҳар томонлама муваффақиятли бўлишини таъминлаётган, ишлаётган ва ишлаб чиқаётган ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз ҳиссасини қўшаётган,

ЛЕНИНГРАД МУДОФААЧИСИ

Қўнғироқ чалинди. Ҳозиргина болаларнинг шўх ҳайқириқларига тўлиб-тошган синфлар, коридорлар бир зумда сув қўйгандек жимиб қолди. Пўлат ака синфлардан бирига йўналди.

— Бугун Ленинград мудофааси тўғрисида суҳбатлашамиз,— деди у деворга осиглик харита олдига борар экан.— Ким Ленинград мудофааси тўғрисида гапириб бера олади? Китобларда ўқигансиз, кинолларда кўргансиз-а?

Болалардан бир нечтаси баравар қўл кўтарди. Кейин кетма-кет билганларини гапириб беришди. Ўқувчилар ҳикоясини тинглар экан, Пўлат ака Ражабов ҳам хаёлан ўша оловли йилларга, айни йигитлик чоғини жангу-жадалда ўтказган Ленинград остоналарига қайтди.

...Урош бошланганлиги ҳақидаги машъум хабар тарқалганида Пўлат энди давлат имтиҳонларини топшириб, педагогика техникумини битирганлиги тўғрисида гувоҳномани олиш арафасида турган эди Дастлабки чақириқдаёқ фронтга отланган Пўлат ўшанда 20 баҳорни кўрган эди. Лекин, уни тўғри урушга олиб кетишмади. Дастлаб кўплаб дўстлари билан офицерлар билим юртига юборишди. Улар 1941 йилнинг декабрь ойигача шу ерда ҳарбий билим сирларини ўрганишди. Сўнгра — фронтга...

Пўлат ҳарбий билим юртини тугатганидан сўнг Ленинград мудофаасига отланди. Лейтенант Ражабов йўлда кетаётгандаёқ уруш нималигини кўрди, уни ўз бошидан кечирди.

— Ленинградга яқинлашган сари,— деб хотирлайди Пўлат ака,— фашистларнинг қанчалик қонхўрлиги, инсоният бошига қандай кулфатлар ёғдираётганига тушуна бошладик. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган далаларнинг кули кўкка совурилган, шаҳар ва қишлоқлар эса харобага айланган эди. Фронт чизиғидан ўтганимиздан сўнг яна ҳам ташвишли кунлар бошланди. Фашист кузғунлари поездимизга ҳаводан ҳужум қилар, темир йўл изларини сафдан чиқаришга интилар эди.

Зўр машаққатлар билан манзилга ҳам етиб келдик. Қўмондонлик вақтинча мудоафа қилиб туришга буйруқ берди...

24-гвардиячи дивизиянинг Пўлат Ражабов жанг килган 70-гвардиячи полки Волхов фронтида ҳаракат қилар эди. 1942 йил августда фронт линиясини ёриб ўтиб, Ленин шаҳри мудофаачилари билан қўшилиш ҳақида буйруқ берилди. Бу пайтга келиб ўзбекистонлик лейтенант станокли пулемётчилар взводига командир эди.

22 август тонги жуда нотинч бошланди. Жангчиларимиз Ленинград шаҳрини қамал қилиб турган фашистларга қарши ҳужум бошладилар. Икки орада қаттиқ жанг бошланиб кетди. Лейтенант Пўлат Ражабов ўз аскарларини олга бошлар, унинг пулемётчилари душман сафини тутдай тўкар эдилар. Лекин, анча илгарилаб кетган йигитларимиз кутилмаганда немисларнинг қарши ҳужумига учрадилар.

Бу воқеани Пўлат ака тез-тез хотирлаб туради. Чунки ўшанда у дастлабки жангга кирган эди.

— Фашистлар ҳаводан, қуруқликдан қоятда қаттиқ ҳужум бошладилар. Бош кўтарсанг бирор дайди ўққа учишинг ҳеч гап эмас. Шундай пайтда биз билан елкама-елка туриб ҳужум қилаётган автоматчилар ротасидаги бир йигит жонимизга оро кирди. У автомат ушлаган қўлларини баланд кўтариб йигитларга хитоб қилди.

— Ўртоқлар! Нега қараб турибсиз? Олға! Ватан учун, Озодлик учун!

Унинг бу даъвати йигитларни руҳлантириб юборди. Немислар тинмай ўқ ёмғири ёғдираётганига қарамай олға ташландик...

Августда бошланган операция октябрь ойининг охирларида ниҳоясига етди — Волхов фронти жангчилари фашистлар орасидан ёриб ўтиб қаҳрамон шаҳар ҳимоячиларига қўшилишди. Ана шу жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун тошкентлик йигит Пўлат Ражабов дастлабки жангговар мукофот— Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

...1944 йилнинг январь ойи. Ленинград областидаги Иваново қишлоғи учун оғир жанглар бораяпти. Уч йил ичида анча кўзи пишиб тажриба орттирган Пўлат Ражабов энди батальон командири этиб тайинланган. Лекин у батальонга кўп бошчилик қила олмади. Фашистлар билан бўлган тўқнашувлардан бирида йигитларини олга бошлар экан ўнг қўлини душман снаряди учириб кетди. У ёғи нима бўлганини эслай олмайди. Фақат госпиталда кўзини очганида ўнг қўли йўқ эди. Пўлат 3 ой даволанди. Кейин эса уйга рухсат беришди...

Фронтдан қайтган Пўлат ўрмон хўжалиги министрлигида ишлай бошлайди. Педагогика институтини сиртдан тугатганидан сўнг эса, шаҳримиздаги Будённий номли 111-мактабга ишга келди. Ўшандан бери шу ерда тарих фанидан дарс беряпти.

Улуғ Ватан урушининг ветерани, бир неча жангговар мукофотлар соҳиби Пўлат ака Ражабов ҳозир ёшлар билан, ўз ўқувчилари билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлиб, фаровон келажагимиз учун курашганлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб беради.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Спорт

БОЙ БЕРИЛГАН ҒАЛАБА

«Пахтакор» Москванинг «Локомотив» командаси билан бўлган учрашувга бир мунча ўзгарган составда тушди. Ҳимоячи Анатолий Могилний ўрнини Олим Аширов, ҳужумчилар Владимир Федоров билан Тўлаган Исоқов ўрнини эса Олег Еремеев ва Анатолий Гогольнилар эгаллади. Мавсумнинг бошиданоқ учта асосий ўйинчимизнинг сафдан чиқиши кутилмаган ҳол бўлди.

Шундай бўлса ҳам пахтакорчилар учрашувни кўтаринки руҳда бошлашди. Иккинчи минутдаёқ Хадзипанагис меҳмонлар штраф майдонига кириб тўпни Михаил Анга узатди. У жуда қулай вазиятда тўпни дарвозага киритаолмади. Меҳмонлар ҳимоячилари хавфли вазиятни бартараф этиш мақсадида тўпни бурчакка чиқариб юбордилар... Лекин, биринчи бўлиб темирйўлчилар муваффақиятга эришдилар. 10-минутда «Локомотив» штраф тўпи тепиш ҳуқуқини олди. Дарвозабон Анатолий Бабенко кучли тўпни ушлаб қололмай қўлидан чиқариб юборди. Пайт пойлаб турган Пискунов уни дарвозага киритди. Майдон эгалари орадан бир минут ўтиши биланоқ рақиб штраф майдонида худди ана шундай вазиятни вужудга келтирдилар. Хадзипанагиснинг кучли зарбасини меҳмонлар дарвозабони ҳам ушлаб қололмай қўлидан чиқариб юборди. Лекин ҳужумчимиз Олег Еремеев қулай имкониятни бой берди. Биринчи бўлимда майдон эгалари дарвозага бирнеча бор тўп киритиш имкониятига эга бўлдилар. Лекин ҳал қилувчи дақиқаларда гоҳ ҳужумчиларимиз хатога йўл қўяр, гоҳ рақиб ҳимоячилари вазиятни бартараф этардилар.

Иккинчи бўлим бошланиши билан пахтакорчилар мувозанатни тенглаштирдилар. 49-минутда Виктор Варюхин пойтахт футболчилари дарвозасига киритилган голнинг автори бўлди. Бундан руҳланган мезбонлар ҳужумни янада кучайтирдилар. 58-минутда рақиб ҳимоячилари Хадзипанагисни штраф майдонида йиқитадилар. Ўн бир метрлик жарима тўпини М. Ан киритиб, командасини олдинга олиб чиқди. Лекин 82-минутда ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган пахтакорчилар (бу тўпни Ю. Рижов киритди) ғалабани бой беришди. Ўйин 2:2 ҳисобида тугади. Командамиз навбатдаги учрашувларни Москвада ўтказади.

Шу куни бўлиб ўтган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: ЦСКА — «Шахтёр» — 1:0, СКА — «Динамо» (Киев) — 0:2, «Черноморец» — «Динамо» (Москва) — 1:1, «Арарат» — «Днепр» —3:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Зенит» — 0:1, «Карпати» — «Спартак» — 2:0.

Биринчи лигада

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун биринчи лигада беллашаётган командалар ўртасида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди Оржоникидзенинг «Спартак» футболчилари бу сафар Пермнинг «Звезда» коллективини 1:0 ҳисобида маглубиятга учратиб, тўрт очко билан пешқадам бўлиб олди. Кутанси автозаводчилари ҳам иккинчи учрашувда «Уральмаш» командасини худди ана шундай ҳисобда енгиб тўрт очко тўплади. «Помир» —«Шинник», «Қайрат» — «Динамо» (Минск) учрашувлари 2:2, Боку билан Куйбишев футболчилари учрашуви эса 1:1 «Спартак» (Нальчик) — «Рубинь» (Қозон) ҳамда «Металлист» (Харьков) — «Спартак» (Иваново-Франковск) баҳси 0:0 ҳисобида тугади. «Олға» ўз майдонида Запорожьенинг «Металлург» командасига 0:2 ҳисобида ютқазди. «Кубань» «Кузбасс» устидан 2:1 ҳисобида устун келди.

Хоккей чемпионати

Кеча хоккей бўйича Германия Федератив Республикасида ўтказилаётган жаҳон ва Европа чемпионатида олтин ва кумуш медал эгалари маълум бўлди. Кўпсонли хоккей мухлислари кечқурун ўзларининг «зангори экран»лари қаршисидан жой олдилар. СССР ва Чехословакия хоккейчилари «олтин» медаллар кимга-ю, кумуш медаллар кимга тегишини аниқлаш учун майдонга тушдилар.

Ўтган куни эса бронза медалига даъвогарлик қилаётган Швеция хоккейчилари АҚШ командасини 12:3 ҳисобида маглубиятга учратиб очколарини 12 тага етказишди. Финляндия спортчилари эса Польша командасини 4:1 ҳисобида енгдилар.

Ольга ХОДОРЧЕНКОВА

КЕЧУВДАГИ ЁДГОРЛИК

Бош кийимни олинг. Тош қотинг бир дам.
Бунда не бўлганин айланг тасаввур...
Даҳшатдан бош эккан унда бута ҳам.
Ҳамма нарса кулга айланган бир қур.
Портлашлардан ер ҳам турган типпа-тик.
Одамларни ютган ажал ўқсонн.
Лек олов денгизин ёрган беҳадик, —
Тенгсиз мадад бериб ғалаба шони.
Мангулик келтирди уларга ўлим,
Йигит бўлиб яшар ҳамон биз билан.
Тирик қолган бўлса ўша тонгда ким,
Ўн етти ёшида сочи оқарган.
Шижоатга тўлуғ ёдгорлик бўлиб,
Мармарга ёзилган уларнинг номи.
Ҳатто буталар ҳам эслар эгилиб,
Ахир майсаларни суғорган қони.
Қуйироқ эгилиб қилингиз таъзим,
Дафн этилганлар руҳин айланг шод.
Шу она тупроқда портлашлар тағи,
Рўй бермасин учун — этинг қасамёд!
Қасамёд этингиз гўдаклар ҳаққи,
Марҳумлар номидан этинг қасамёд!
Илк севги нафаси, юраклар ҳаққи,
Сочлар оқи билан этинг қасамёд!
Майли танклар фахрий қоровул турсин,
Майли, ер, уларни қучоғингда тут.
Майли минг хил қурол қаҳқаҳа урсин,
Яъни ғалабага янграсин салют.

Эргаш МУҲАМЕДОВ таржимаси.

БОЛАЛИК РАСМЛАРИ

Бола эдим элни уруш
Этганда вайрон.
Келтирганман тушларимда
Фашистга қирон.
Қўлларимга, китобларга
Расм чизганман.
Уларга мен ўйларимни
Бир-бир тизганман:
Аскар борар қўлда қурол,
Олов пуркар танк,
Қўзиқорин каби портлаш...—
Расмда ҳам жанг.
Гоҳо ўйнаб «уруш-уруш»
Кечга қайтардик.
Ватан учун унда биз ҳам
«Ура!» айтардик.

Росмана жангчидай гоҳо
Қорайган бадан.
Оқар сувдан ўтди йиллар,
Болалик ортда.
Тенгқурларим дейишади:
«Болам бор тўртта».
Расмларни кўриб тағин
Хаёлга толдим.
Шивирлади улар беун,
Мен қулоқ солдим.
Кўз ўнгимда ёшлик пайтим
Кетди жонланиб.
Болаликка бир зум қайтдим
Ўртаниб, ёниб.

Оталар қутқарди бизни
Жангда бериб жон.
У қайғулар акси бордир
Кўзларда ҳамон.
Оталар ҳам, оналар ҳам
Эди қаҳрамон.
Беҳудага тўкилмаган
Оташ-жангда қон.
Улар учун таъзим айлаб,
Чўкажакмиз тиз.
Улар учун коммунизм,
Қуражакмиз биз!

Анвар ИМИНОВ.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Республикамиздаги «Ёш гвардия» театри ўзининг сермазмун, ғоявий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қатор саҳна асарларини яратиб ўз мухлислари эътиборини қозониб келмоқда.

Театр коллективи талантли қалам соҳиби Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссаси асосида қайта ишланган «Ҳазон бўлган баҳор» номли асарни саҳналаштириб томошабинларга ҳавола қилди.

Янги спектаклнинг бош қаҳрамони қўшиқчи Алимардон Тўраев образи орқали санъатини оёқ ости қилган худбин, шуҳратпараст, бойлик тўплаш йўлида ҳарқандай ифлосликларга қўл урадиган, ҳатто ўз дўстининг муҳаббатига чанг соладиган киши образи гавдаланади.

Бу образ театрнинг ёш талантли артисти Асрор Тошкенбоев ижросида ўз ифодасини топган.

Спектаклдаги Алимардон образига қарама-қарши қўйилган Анвар бугунги ёшларимизнинг тиник вакилидир. У ҳаётни яхши тушунадиган, ҳар бир ишни ақл билан ҳал этадиган, давр талабига жавоб бераоладиган шахс. Поклик, олийжаноблик, тўғрилик каби барча энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бу образ қобилиятли ёш артист Рустам Каримов ижросида тўла қонли чиққан.

Мадина Маҳмудова ижро этган Муқаддам роли ҳам диққатга сазовордир.

Замонавий мавзуда яратилган бу спектакль премьераси талабчан томошабинлар синовидан муваффақиятли ўтди. Спектаклни театрнинг бош режиссёри Эргаш Масофаев саҳналаштирган.

С. ҲУСАНОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқармаси транспорт бўлимида меҳнат қилаётган Улуғ Ватан уруши ветеранлари яқинда учрашув даврасига йиғилишиб, ўзлари ва қуролдошлари босиб ўтган жангговар йўл хотираларини бир-бир эсга олдилар. Суратда: учрашув қатнашчиларидан Н. Қодиров (чапдан) К. Соловьев, С. Бўстонов, А. Абдуҳакимов, Г. Трубчанин, Г. Беляев, И. Киянченко, И. Хвалев ва И. Шрипа ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Жаҳон янгиликлари

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИНИНГ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ВОШЛАДИ

ЖЕНЕВА, 16 апрель. (ТАСС мухбири). Женевадаги Миллатлар саройида БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг навбатдаги XXX сессияси очилди. Сессия ишида Европадаги 30-дан ортиқ мамлакат делегациялари, шу жумладан СССР, Белоруссия ССР ва Украина ССР, шунингдек, АҚШ ва Канада делегациялари қатнашяпти.

Сессия комиссиянинг ўтган йилдаги иш якунларини муҳокама қилади ҳамда Европадаги ҳозирги иқтисодий аҳвол масалаларини кўриб чиқади. Ҳозирги вақтда қитъада сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасида қарор топаётган ижобий тенденцияларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради.

Европа иқтисодий комиссиясининг бундан аввалги сессиясининг раиси М. Груза (ЧССР) мажлисни очиб, сессиянинг иши шонли тарихий воқеа — иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг ва фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги арафасида ўтаяпти, деб таъкидлади.

ЛИВАН ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

БАЙРУТ, (ТАСС). Бу ерда Ливан ҳукуматининг мажлиси бўлди. Мажлисда катоиб партиясига мансуб қуролли фалангистлар билан фаластинликлар ўртасида яқинда Байрутда бўлиб ўтган тўқнашувлар натижасида мамлакатда вужудга келган вазият муҳокама қилинди.

Мажлис охирида мамлакат Бош министри Р. Солҳ тапиро. Ливан ҳукумати 13 апрелда юз берган хунрезликда айбдор кишиларнинг ҳаммасини қонунга мувофиқ таъқиб этишга қарор қилганлигини айтди. Бош министр шу тўқнашув муносабати билан 14 киши қамоққа олиниб, тергов қилиш учун суд маъмурларига топширилганлигини ҳам айтди.

Ливан парламенти депутатлар палатасининг раиси К. Ал-Асад кейинги воқеалар муносабати билан таассуф билдирди.

МИСРНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ҚОҲИРА, 16 апрель. (ТАСС). МЕН агентлиги Бош министр Мамдух Салим томонидан тузилган МАРнинг янги ҳукумати составини маълум қилди.

Муҳаммад Ҳафиз Ғаним бош министр ўринбосари ва олий таълим министри, Исмоил Фахмий бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри, Муҳаммад Абдил Ғани ал-Ғамаси бош министр ўринбосари ва ҳарбий министр қилиб тайинланди.

Миср Араб Республикасининг янги ҳукуматида жами 35 министр ва давлат министри бор.

Айни вақтда бу ерда Миср Араб Республикаси президенти А. Садатнинг ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони маршал Муҳаммад Ҳусни Муборакни Миср Араб Республикаси президентининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

ПНОМПЕНЬ ОЗОД ЭТИЛДИ

БАНГКОК, 17 апрель. (ТАСС). Пномпенда ҳарбий хунтанинг охирги қаршилик кўрсатиш ўчоқлари бугун эрталаб тугатилди. Душманнинг қуршаб олинган гуруҳлари таслим бўлди. Камбоджа ватанпарварларининг асосий кучлари шаҳарга кирди.



ЯПОНИЯ. Шу йил июль ойида Окинавада «Экспо-75» халқаро виставкаси очилади. Бўлажак виставканинг энг қизиқарли экспонатларидан бири — Японияннинг сузувчи «Акваполис» павильонидир. Бу сузувчи шаҳар майдони 10 минг квадрат метр бўлиб оғирлиги 16 минг тоннадир. Суратда: сузувчи шаҳар — «Акваполис».

ТАСС фотохроникаси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30— ТОШКЕНТ. 18.35 — Музикали кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Социализм дунёси (Москва). 20.00 — Қалб хотираси. 20.25 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Эртага — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги. 21.15 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Экиш кундалиги. 22.50 — СССР халқлари адабиёти. С. Муқонов. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — Шифокор экрани. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 —Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30 — Жангговар постда (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.30 — Шўх қайрилишлар (бадиий фильм). 20.00—Ўқув кўрсатуви. 22.30 — Телеминиатюралар. 23.30 — Концерт. УЧИНПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Бадиий ўқиш. 20.05 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.50 —Ҳужжатли кино экрани. 21.30— Эстрада концерти. 22.00 — Номаълум аёл (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18|IV да Антоний ва Клеопатра, 19|IV да Князь Игорь.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 18|IV да Парвона, 19|IV да Инқилоб тонги.

КИНО

Ҳалоскорлик — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз в кечқурун).

Қамал — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17,00, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00, 14.20, 17.40, 20.00).

Чунки севаман — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 13.40, 18.00, 21.00).

Оловнинг бўйсундирилиши — «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 15,00, 18.00, 21.00).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, приёмшчиклар, гальванотипистлар, электромонтёрлар, тузатувчи-слесарлар, вентиляция-кандиционлаштириш бўйича слесарлар, слесарь-сантехниклар, газ-электр пайвандчилар, совутиш қурилмалари машинисти, шофёрлар, ғишт терувчилар, бўёқчилар, юкчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

Р. 02365. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—2456.